Пойтахтимизнинг БИР КУНИ

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

ЯНГИ УЙЛАР, ЯНГИ ТЎЙЛАР

«ЭКСПО–70» ТАРАДДУДИ

МХРда ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ

● Уй муборак

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Азамат қурувчилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллиги байрами арафасида меҳнаткашларга муносиб совғалар тайёрламоқдалар.

Бугун

давлат комиссияси тожик бинокорлари Чилонзор массивида бунёд қилган 280 ўринли болалар боғчасини қабул қилиб олди.

Ново-Московская кўчасида 60 квартирали уй тайёр бўлди. Уни 9-қурилиш трестининг 55-бошқармаси бунёд қилди. Бинонинг биринчи қаватида поликлиника жойлашади.

3-қурилиш трести коллективининг меҳнати ҳам баракали бўлди. Қурувчилар Рисовая кўчасида 97, 72 квартирали уйларни фойдаланишга топширдилар.

«2-Черданцев» массивида қад кўтарган учта уй 230 оилани кутяпти. Уни 4-қурилиш трестининг 6, 13-бошқармалари қуриб бўлганлиги ҳақида рапортлар бердилар.

Биринчи уйсозлик посёлкасида бинокорлар оиласи истиқомат қиладиган уйлар битказилди. 72 квартирали уйни 3-қурилиш трестининг 23 бошқармаси қурди.

Булардан ташқари Йўлдош шаҳарчада, Шота Руставели кўчаси, Дўмбробод даҳаси, Ҳамза станциясида ҳам бир неча уйлар қуриб бўлинди.

Байрам арафасида минглаб квартираларда уй тўйлари ўтказилади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши

29 ОКТЯБРЬ 1969 й.

№ 254 (1017).

ЧОРШАНБА

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Сиз суратда кўриб турган токарь Пётр Алексеевич Баталов экскаватор ремонт заводида илғор ишчилардан бири ҳисобланади. У беш йиллик шахсий топшириғини муддатидан илгари бажарди.

Суратда: П. А. Баталов.

● Юбилей олдидан

ЛЕНИННОМА

Бугун

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ «ЗВЕЗДА ВОСТОКА» КЛУБИДА ДОҲИЙ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ, АДАБИЙ-МУЗИКАЛИ КОМПОЗИЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Пушкин номли кутубхона ташаббуси билан ташкил қилинган бу Ленинномa районда биринчи марта ўтказилди.

«Доҳийнинг Волга дарёси бўйидаги ёшлик ва ўсмирлик йиллари» деб номланган композицияни Давлат филармонияси артисти, бадиий сўз устаси О. Бекжамбек олиб борди. Мароқли ўтган композиция иштирокчиларга жуда манзур бўлди.

Ленинномa эшиттиришидан кейин клуб ҳаваскорлари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Ленин ва Ўзбекистон фани

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ» УЙИДА ДОҲИЙ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЛЕКТОРИЙНИНГ НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ БЎЛДИ.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар «Билим» жамияти ташкил қилган бу лекторий машғулотига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов таклиф қилинди. Таниқли олим «В. И. Ленин ва Ўзбекистон фани» мавзусида доклад қилди.

БУГУНГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

Кеча

М. Ойбек номидаги республика халқлари тарихи музейи партия тарихи институтида «В. И. Ленин ғояларини амалга оширишда Ўзкомпартия роли» деган темада кўргазма ташкил этди.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу кўргазма бой ва ранг-баранг стендлардан, фотолавҳалар ва кўплаб нодир ҳужжатлардан иборат. 6 бўлимдан иборат кўргазмани Чирчиқ кимёгарлари, Тошкент қурувчилари, ленинградлик туристлар ва бошқалар келиб кўрдилар.

«САЁҲАТ» РЕСТОРАНИ

Куни-кеча Луначарское шоссесида ҳашаматли «Тўрист» меҳмонхонаси қурилиб ишга туширилган эди.

Бугун

қурувчилар меҳмонхона қошида «Саёҳат» деб аталган янги ресторанни жиҳозлашга киришдилар. 200 ўринли бу янги ресторанда европача ва миллий таомлар тайёрланади.

«Саёҳат» ресторани Улуғ Октябрь байрами арафасигача ишга туширилади.

ТУРКОЛОГ ОЛИМ ТОШКЕНТДА

СССР Фанлар академияси Марказлаштириш бўлимининг планига кўра, филология фанлари доктори, «Эски ўзбек тили грамматикаси» китобининг муаллифи А. М. Шчербак Тошкентга келди. Атоқли лингвист олим Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номли адабиёт музейида ўзбек адабиётшунослиги ва стилистикаси бўйича бир неча лекциялар ўқиди.

Бугун

олим З. М. Бобирнинг «Арузнома» асари ҳақида қизиқарли лекция ўқиди. Бу лекция ўзининг оригиналлиги билан музей илмий ходимларида чуқур таассурот қолдирди.

МУЗИКАЧИЛАР КОНКУРСИ

Консерватория студентлари Бутуниттифоқ музика-ижрочилари конкурсига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Бу музика конкурси шу йилнинг сўнгги ойларида Москвада ўтказилади. Ёш санъаткорлар бу ижрочилик ишларини улуғ Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишлайдилар.

Конкурсга консерватория талабалари: пианиночи, скрипкачи ва виолончелистлар боришади.

Бугун

консерваториянинг катта концерт залида конкурсда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун қурашаётганларнинг биринчи тур концерти бўлиб ўтди.

Комиссия составида машҳур созандалар, профессор ва доцентлар, жумладан, пианино бўлими бошлиғи доцент Литвинов, торли асбоблар бўлими бошлиғи профессор Рейсон ва бошқалар бор. Ноябрь ойининг биринчи декадасида II ва III тур бўйича саралаш конкурси ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

● Янги фильмлар

«БУХОРО»

Бугун

хроникал-ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида талантли кинорежиссёр, СССР халқ артисти Малик Қаюмов қадимий Бухоро шаҳри ҳақидаги бир пардали рангли фильм устидаги ишини ниҳоясига етказди.

«Бухоро» деб номланган бу картина қадимий шаҳарнинг тарихий архитектура обидалари, бугунги жўшқин манзараси, санъати ва маданияти ҳақида ҳикоя қилади. Бундан ташқари фильмда туристлар учун саёҳат маршрути ҳам қамраб олинган.

Фильмни оператор Даврон Салимов суратга олган.

«ЎЗБЕКИСТОН — ЭКСПО-70»

Келгуси йили Японияниг пойтахти Токиода навбатдаги «Экспо-70» кўргазмаси намойиш қилинади. Унда «Ўзбекистон — Экспо-70» фильми намойиш қилинади.

Малик Қаюмов режиссёрлик қилган бу картинада республикамизнинг бугунги ўсиши ва фаровон ҳаёти тараннум этилади. Бир пардали рангли фильмда Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларга ҳам кенг ўрин берилган.

Оператор А. Исмоилов суратга олган бу картина ноябрь ойида Японияга жўнатилади.



Москвалик қурувчилар [чапдан] Анна Печникова, Галина Аксенова, Любовь Денисовалар Пушкин номли кўчада қурилаётган 9 қаватли бинода баракали меҳнат қилишмоқда. «Главмосстрой»нинг бу қурувчиларни 169-қурилиш бошқармасида донг чиқардилар. Уларнинг шиори кунлик норманн бир ярим барабарга етказишдир.

Л. Глауберзон фотоси.

Кеча Монголия Халқ Республикасида Ўзбекистон ССР кунлари бошланди

МОНГОЛИЯ ҚУТЛАМОҚДА

УЛАН-БАТОР, 28 октябрь. Бутун чиққан Монгол газеталарининг саҳифаларида «Хуш келибсиз, ўзбек бародарлар», «Яшасин бузилмас совет—монгол дўстлиги!» деган сўзларни кўриш мумкин. Газеталар азиз меҳмонлар — Монголия Халқ Республикасида Ўзбекистон ССР кунларининг қатнашчилари келганлиги тўғрисида хабар бериб, бутун мамлакат бўйлаб тараладиган тантаналар тўғрисида ҳикоя қилади. Шаҳарлар ва қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг меҳнаткашлари ўзбек халқининг вакилларини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Улан-Баторнинг кўча ва проспектлари бўйлаб осилган рангбаранг транспарантларда ҳам Совет Ўзбекистони вакилларига, барча совет кишиларига самимий салом сўзлари битилган. Меҳмонларнинг кўз ўнгида халқ Монголияси пойтахтининг ёрқин ва кўркам бино ансамбллари, гавжум майдонлар ва хиёбонлар, янги қурилишларнинг ҳавозалари ҳамда қадимги маданият ёдгорликлари намоён бўлди.

Монголия пойтахти серқуёш Ўзбекистон вакилларини мусаффо ва иссиқ ҳаво билан кутиб олди. Пойтахт МХРда Ўзбекистон ССР кунлари қатнашчиларини зўр самимият ва эътибор билан қуршаб олди. Меҳмондўст мезбонлар ҳамма ерда меҳмонларни қаттиқ қўл қисиб, қучоқ очиб кутиб олмоқдалар.

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг секретари, Монгол—Совет дўстлиги жамияти марказий кенгаши президиумининг раиси Б. Ҳамсурэн шу жамият ҳамда Монголия тинчлик ва дўстлик ташкилотлари федерациясининг активлари билан учрашувда Ўзбекистон вакилларига: «Келганингизга жони дилимиздан қувоняпмиз, азиз бародарлар!»,—деди. Ўртоқ Ҳамсурэн монгол—совет дўстлиги жамиятининг фаолияти тўғрисида ўзбек дўстларига гапириб берди. У МХРда Ўзбекистон ССР кунлари яна бир катта воқеага — бу ерда ўтаётган ва Улуғ Октябрнинг 52 йиллигига бағишланган совет—монгол дўстлиги ойлигига тўғри келганлигини уқтириб ўтди. Ойлик «жаҳон пролетариати доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олайлик», деган шиор остида ўтмоқда. Шу шонли санага бутун Монголия тайёргарлик кўрмоқда.

— Яқинда Ўзбекистон меҳнаткашлари республикангизда МХР кунлари қатнашчиларини нақадар меҳмоннавозлик ва чинакам қардошларча шодиёналар билан кутиб олганликларига қойил қолганлигимизни изҳор этгани сўз топиш қийин, — деди Б. Лхамсурэн. — Биз ҳам бу ерга меҳмон бўлиб келганлигингиз фойдали ва мароқли ўтмоғи учун қўлимиздан келган ҳамма нарсани қиламиз.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова жавоб нутқида Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти, уларнинг эришган ютуқлари билан Монгол жамоатчилигини таништиришда жуда кўп иш қилаётган монгол—совет дўстлиги жамиятига қизғин миннатдорчилик билдирди. У Ўзбекистон билан МХР ўртасидаги дўстона яқин алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигини ҳамда монгол ва Совет халқлари бузилмас дўстлигининг ажралмас қисми эканлигини уқтириб ўтди.

Шу куни Совет Ўзбекистонининг вакиллари Монголиянинг улуғ фарзандлари Сухэ-Батор билан Чойбалсаннинг мақбарамавзолейини зиёрат қилишиб, у ерга гулчамбарлар қўйишди.

Бутун кечқурун давлат опера ва балет театрида МХРда Ўзбекистон ССР кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Улан-Батор.

Э. РАШИДОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

УЛАН-БАТОР, 28 октябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Цеденбал МХРда Ўзбекистон ССР кунларининг иштирокчиларини — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов бошчилигидаги республика ҳукумат делегациясини, шунингдек адабиёт ва санъат арбобларини қабул қилди.

ҲАР КУНИ 100 ТОННАДАН

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози сабзавоткорлари шу кунга қадар тошкентликлар учун 6 минг 500 тонна маҳсулот етказиб бердилар. Ҳали колхоз далаларида ҳосил мўл.

Бугун

ДЕҲҚОНЛАР ШАҲАРЛИКЛАР УЧУН 100 ТОННА ҲОСИЛ ЖЎНАТИШДИ. ДЕҲҚОНЛАР МАВСУМ ОХИРИГАЧА ЯНА 1000 ТОННА ТУРЛИ САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЖЎНАТИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛИШДИ.

ЯНГИ ОМБОР

Бугун

омбор дастлабки кўмирларни хонадонларга тарқата бошлади.

Шаҳар аҳолисининг талабига биноан ёнилғи базаси ҳисобида 5-кўмир омбори қуриб битказилди. Икки гектар майдонни эгаллаган бу кўмир омбори «Қизил тўқимачи» станцияси ёнида жойлашган.

Ҳар куни бу ердан 25-30 вагон кўмир шаҳар аҳолисига тарқатилади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехословакия Социалистик Республикасининг партия-давлат делегацияси кеча Москвадан ватанига жўнаб кетди.

◆ Будапешт мурожаатини имзолаган социалистик давлатлар —Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматлари Умумевропа Кенгашига тайёргарликка доир баъзи масалаларни қараб чиқиш учун шу йил 30 октябрда Прагада ташқи ишлар министрлари кенгашини ўтказишга қарор қилдилар.

◆ Биохимикларнинг иккинчи Бутуниттифоқ съезди 27 октябрь куни Тошкентда ёпилди. Съезд ишида 3 мингга яқин олим, шу жумладан Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Югославиядан келган меҳмонлар қатнашдилар.

● *Теннис бўйича мамлакат биринчилиги*

ОЛДИНДА ЧОРАК ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ

Теннис бўйича 1969 йил чемпиони унвонига даъвогарлар сони кун сайин камайиб бормоқда. Мусобақаларнинг чорак финалида қатнашувчи кучли саккизликлар маълум бўлди.

Кутилмаганда грузиялик Тухарели ўз командадоши тажрибали Иванова устидан галаба қозонди. Ҳисоб ҳам бирмунча ирғонарли — 6:3, 6:3. Энди халқаро класс спорт мастери Ивановага пастроқ ўрин билан кифоялашишга тўғри келади.

Совет Иттифоқи чемпиони Киви ҳам барча учрашувларни юксак маҳорат билан ўтказмоқда. Чорак финалга чиқиш учун у Кроцина билан куч синашди. Ҳисоб 6:3, 6:3 Киви фойдасига. У чемпионлик унвонини сақлаб қоладими, йўқми, навбатдаги ўйинлар кўрсатади.

Галаба учун бутун кучини сарфлаётган Гайле-Юшка москвалик Крючкова билан учрашувда ҳам муваффақиятга эришди. Киевлик халқаро класс спорт мастери Бакшеева-нинг ҳар бир учрашуви томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Сўнгги учрашувда Бакшеева Креенни 6:2, 6:3 ҳисоби билан мағлубиятга учратди.

Эркаклар ўртасида чемпионатнинг чорак финалига қуйидаги учрашувларнинг ғолиблари чиқишди:

Коротков—Симсон —3:0,
Пальман — Эвинг — 3:1,
Сивохин—Сепп — 3:2,
Лихачев—Чоба — 3:1,
Метревели—Лунин— 3:1,
Волков—Бузмаков —3:0,
Какулия — Лампе — 3:1,
Егоров—Наумов — 3:0.

Олдинда янада қизиқарли чорак финал учрашувлари.


А. ШТЕЙМАН.

Чет эллардa

ТАСС БАЁНОТИ ТЎҒРИСИДА АРАБ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

● **БАҒДОД**, 27 октябрь. (ТАСС). Ливандаги аҳвол тўғрисида ТАСС баёнотининг мазмунини Ироқдаги газеталарнинг ҳаммаси босиб чиқарди «Совет раҳбар доираларида шундай қатъий фикр айтилмоқдаки, биронта чет эл давлати Ливаннинг суверенитетига ва унинг ўз ички ишларига ҳал этиш ҳуқуқига қасд қилмаслиги лозим. араб давлатларининг ўзларига тааллуқли бўлган масалаларга аралашмаслиги лозим» деб баёнотда айтилган гапларни газеталар бўртириб бермоқда.

● **ҚОҲИРА**, 27 октябрь. (ТАСС): Исроил агрессияси натижасида Яқин Шарқда кучайиб бораётган кескинликнинг оқибати бўлган Ливандаги воқеалар Совет Иттифоқини жиддий ташвишга солаётир, деб Қоҳирадаги газеталар таъкидлаб ёзмоқда. Маълум матбуот ТАСС баёнотига «Ливаннинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиш сиёсатини ўтказишга уринаётган Америка Қўшма Штатларига нисбатан жиддий огоҳлантириш» бўлди, деб баҳо бермоқда.



Корея Халқ Демократик Республикаси. Мамлакатнинг оғир саноати кундан кунга ривожланиб бормоқда. СУРАТДА: Тэан электр механика заводида катта қувватдаги генераторларни йиғиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

ШОНЛИ ЙЎЛ ВОРИСЛАРИ



Ёш нашч С. Абдувалиева Тошкент электр техника заводининг зарбдор нашчиларидан бири. Коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси бўлган бу йигувчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш арафасида.
СУРАТДА: С. Абдувалиева.

УЗБЕКИСТОНДА Советлар ҳокимиятининг ғалабаси Шарқ халқларни учун тарихда биринчи марта оламшумул аҳамиятга эга бўлган революцион воқеа бўлди. Буни кўра олмаган, революцияда енгилган, лекин курашни давом эттиришдан воз кечмаган эксплуататор синфлар чет эл капиталистларининг ёрдами билан эндигина вужудга келган Советлар ҳокимиятига қарши ҳар томондан ҳужум бошладилар.

Ана шундай қийин бир вақтда нашчи ва деҳқон ёшларни бутун кучларини, бутун ғайратларини партия раҳбарлигида бутун халқ билан биргаликда Октябрь ғалабасини сақлаб қолишга сафарбар қилдилар.

Ажнабий ҳарбий интервенция ва гражданлар урушн кучайиб турган бир вақтда Бутунроссия ёшларини бир ташкилот марказига жипслаштирш ва уюшган ҳолда чет эл ҳарбий ҳужумига ва ички душман нсёнларига қарши курашга сафарбар қилнш зарур бўлиб қолди.

1918 йил 29 октябрда (4 ноябрда) Москвада ёшлар союзининг биринчи Бутунроссия съездн чақирилди. Бу съездга 22100 аъзони бирлаштирувчи 120 ташкилотдан 176 делегат қатнашди. Съезднинг асосий масаласи Бутунроссия Коммунистик Ёшлар Союзини тузш эди. Съезд «Союз ВКП (б) билан ҳамфикрдир. Союз коммунизм ғояларини ёйишни ҳамда нашчи ва деҳқон ёшларни Совет Россиясн қурилишига актив равишда жалб этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди» деган қатъий қарор қабул қилди.

Съезд бу ташкилотни Россия Коммунистик Ёшлар Союзи [РКСМ] деб атади. Бундан ташқари съезднинг қилган муҳим нши шу бўлдики, РКСМ нинг уставнн қабул қилдн.

Съездда В. И. Ленин ҳарбий шароит туфайли шахсан қатнаша олмаган бўлса ҳам унинг нашнн зўр эътибор билан кузатиб борди ва бир группа делегатларни қабул қилиб, қизғин суҳбат ўтказди, уларга йўл-йўриқлар берди.

Шундай қилиб, гражданлар урушн йилларида жанговар курашчи нашчи ва деҳқон ёшларнинг жипслашган, коммунистик ташкилотн ташкил топди.

Россия Коммунистик Ёшлар Союзи тузилганлиги ҳақидаги хабар бутун мамлакат бўйлаб тез тарқалди. Урушнинг кескинлашувн, Москва билан Ўрта Осиёнинг алоқаси вақтинча узилганлигн учун бу хабар Тошкентга кейинроқ, яъни 1919 йилнинг бошида Москва билан алоқа ўрнатилгандан кейингина етиб келди.

Лекин Тошкентда 1918 йил ноябрида меҳнаткаш Ёшлар Союзи коммунист С. М. Качурнер раҳбарлигида Тошкент нашч ёшларининг жуда катта жасорати билан ташкил топган эди.

«Ўртоқ Качурнер марказдан вакил қилиб юборилган. У Ғарб ва Россиядаги нашчилар ҳаракатидан яхши хабардор бўлиб, Тошкент нашч ёшларига катта эътибор берди ва бу ерда Толстой номли маданий-оқартув тўгарагнни нашч ёшлар союзига айлантирди, аъзоларининг сонини кўпайтирди ва союзга социалистик тус берди».

1919 йил январнинг бирнчи ярмида бу союз 150 га яқин ёш нашчнн, асосан, темирйўлчиларнн ва матбуотчиларнн ўз сафларига бирлаштирди.

Союзнинг асосий мақсади «меҳнаткаш ёшларнн социализм руҳида тарбиялаш» ва «ўзининг иқтисодий ҳуқуқларнин ҳимоя қилиш» эди.

Тошкент меҳнаткаш ёшлар союзидан ўрнак олиб, шунингдек, коммунистларнинг жойларда ёрдами билан 1918 йилнинг охирида Туркистон территориясида 11 та ёшлар ташкилотн ташкил этилди, улар ўз сафларига 1950 кишнни бирлаштирдн.

Фарғона, Андижон, Наманган ва бошқа ерларда меҳнаткаш ёшларнинг социалистик ташкилотлари тузилди.

Қўқон, Хўжанд, Асака, Қизилқия, Сулукта ва бошқа жойларда эса мустақил союзлар ўрнига партия комитетлари қошида ёшлар бўлнмн ташкил топдн.

Шу тарнқа ташкил этилган Тошкент комсомол ташкилотн Бутунроссия Коммунист Ёшлар Союзининг таркибнн қисмн сифатида вужудга келди. Бундан ташқари, Тошкент комсомол ташкилотнннг устави ҳам қабул қилнндн.

Ёшлар ўртасида коммунистик ҳаракат кенг ривож топа бошладн.

Туркистон Коммунистлар партиясининг Ўлка комитетнннг топширгнга кўра, Тошкент комсомол комитетнннг Агитқомига I республика съездини чақирш юзасидан Муваққат ўлка бюроси ҳуқуқн берилдн.

Бу вазифанн амалга оширншда Тошкентда чиқадиган «Ёш коммунист» журнали ва жойлардаги партиянинг актив аъзолари ва партия комитетлари муҳим роль ўйнадн.

Ана шундай бир вақтда комсомол аъзолари 1919 йил 1 майда партия ва касаба союзлари билан биргаликда намойишга чиқдн: Советларга сайлов компаниясида, ҳарбий тайёргарлик ишларини ўтказишда, душманга қарши курашш учун жанговар отрядлар ташкил қилишда актив қатнашдн.

Шундай қилиб, Туркистон ўлка комсомоллари Коммунистик партия раҳбарлигида чет эл босқинчиларн, ва нчки контрреволюцияга қарши курашди. Дутовга, Колчакка, Деникинга, Анненков бандасига, босмачиларга қарши жангларда чиниқди, ўсди, мустаҳкамланди ва тарихий ғалабаларни қўлга киритдн.



Узбекистон Фанлар академияси Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўсимлик моддаларн кимёси институтининг коллективи кўпгина янги шифобахш алколоидлар устида ҳам кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб боради.
СУРАТДА: алколоидлар лабора торнясининг ёш илмий ходими Д. Раҳимов Бўригул ўсимлигининг тар кнби юзасидан кандидатлик диссертацияси тайёрлаш устида ишлоқда.

Ҳозирда Ленин комсомоли ўзининг традицияларнин давом эттнриб, партиянинг XXIII съезди қарорларнин амалга оширш учун бутун кучнни сарфлашда, ёш авлодни порлоқ коммунизм сари бошламоқда.

А. ҲОМИДХЎЖАЕВ,
тарих фанлари кандидати.

● 1970 йил 11 апрель—коммунистик шанбалик

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

«Қизил тонг» фирмаси коллективининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган мурожаатини 2-тикувчилик фабрикасининг ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари пойтахтимиздаги саноат корхоналари ўртасида биринчилар қаторида муҳокама қилдилар. Корхонада яқинда бўлиб ўтган йиғилишда 1970 йил 11 апрель куни Коммунистик шанбаликка чиқиб, тежаб қолинган хом ашё материалларидан 1500 дона сифатли кийим-кечак тайёрлаш ва тежалган жамғармани беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилинди.

Бунинг учун фабрикада имконият етарли. Маҳсулотнинг барча турлари бўйича белгиланган ойлик ва квартал планлари муттасил ошириб бажарилляпти. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги ва Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 52 йиллигини меҳнатда муносиб армуғонлар билан кутиб олиш учун курашаётган аҳил коллектив социалистик мусобақани қизитиб катта муваффақиятларга эришмоқда. Ўтган ойлар ичида пландаги 4 миллион 605 минг сўмлик ўрнига 4 миллион 850 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Шу муддат ичида тежаб қолинган 12400 квадрат метр газлама материалларидан хотин-қиз ва мактаб ёшидаги болаларнинг 7300 та кўйлаги тикиб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги эса ўтган йилнинг шу даврндагига қараганда анча ошди. Маҳсулот таннархнни камайтириш ҳисобига қўшимча равишда 69 минг сўм иқтисодий фойда олишга эришилди. 500 киловатт соат электр энергияси тежаб қолинди.

Фабрикада ишлаб чиқариш маданиятини янада ошириш, оғир иш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини кўплаб ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Йил бошидан буён ихтирочилар томонидан тақдим этилган 15 та ихтирочилик таклифининг 11 таси ишлаб чиқаришга жорий этилиб, бундан 13 минг 311 сўм давлат маблағи тежаб қолинди. Г. Гурьянов ва И. Горкун ўртоқларнинг киритган қимматли таклифидан 1854 сўм фойда олинди. Биргина В. В. Мезина таклифи давлатга 8824 сўм фойда келтирди.

Шу кунларда фабрикада байрам олди меҳнат вахтаси давом этяпти. Фабрика 1 ва 2-цехининг ишчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини оширмоқдалар. Улар орасида Ж. Пўлатова, Т. Абдувалиева, Т. Крупкина, В. Стрельцова сингари илғорлар бор.

Бу ерда коммунистик меҳнат ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. 22 бригаданинг 11 таси шу номга муяссар бўлди. 104 кишн эса коммунистик меҳнат зарбдоридир. Улардан 98 кишн беш йилликнинг тўрт ярим йиллик топшириғини ва 6 кишн эса беш йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планларини аллақачонок ўринлатиб қўйган. Коммунистик меҳнат зарбдори номини олган коммунист Н. Тўрахўжаева, Л. Иванова, С. Шукуралиева, Н. Йўлдошева, Р. Пўлатова, Р. Хайриддинова, М Насруллаева каби илғор ишчилар тўрт ярим йиллик ва беш йиллик нормаларини ортиғи билан бажариб, келгуси йил ҳисобига ишламоқдалар.

О. ТУРСУНОВ.




Ҳамза районидаги электр монтаж асбоблари заводи коллективи беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этмоқда.
СУРАТДА: корхонанинг ёш зарбдор слесари С. Сафронова.

● ФАРҒОНА ТОЛАСИ ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА

ФАРҒОНА. Қўқондаги 2-пахта заводидан Венгрия Халқ Республикасининг тўқимачилик корхоналарига шу йилги пахта ҳосилидан 340 тонна тола юборилди. Қува пахта заводининг ходимлари Германия Демократик Республикасининг заказини муддатидан илгари бажардилар. Ўзбекистон район ва Фарғона заводлари ўз маҳсулотини Япония билан Италияга юбордилар.

Фарғона областидаги пахта заводларидан тола юборилаётган мамлакатлар йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда улар чет эллардаги ўн мамлакатнинг тўқимачиларига қимматли хом ашё етказиб бермоқдалар. (ЎзТАГ).



СУРАТДА: шаҳримизнинг Марказ-2 микрорайонида Ленин орденли «Главмосстрой» қурувчилари томонидан яқинда бунёд этилган янги турар-жой бинолари.
М. Нурнддинов фотолари.

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" БОНГ УРАДИ

«ТОШКЕНТ МИНЕРАЛ СУВИДАН ИЧИНГ...»

«Нарзан» минерал суви узоқлардан келтирилади. Ана шу сувни очиб стаканга қуйганингда жимирлашган газга кўзинг тушади. Лекин маҳаллий Тошкент минерал суви кўпчилигининг гази бўлмайди.Хўш, бунинг сабаби нимада? А. Ҳакимова».

«Ёз фаслида уйимизга Уралдан меҳмонлар келишдн. Мен байрам дастурхонига ўзимизда тайёрланган Тошкент минерал сувидан ҳам қўймоқчи бўлдм. Бироқ минерал сувини топиш осон бўлмади. Охири қидира-қидира беш шиша минерал сув тополдим. Меҳмонлар ана шу сувни очишди-ю, жим бўлиб қолишди. Кейин сабабини билсам шиша тагида алланималар сузиб юрарди.

Мен бундан жуда хижолатда қолдим. Гўё бунга мен ҳам айбдордек эдим. Тошкент минерал сувининг бундай ҳолда бўлиши биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Аftидан шишалар кўнгилдагидек тозалаб ювилмаса керак-да. Л. Швейцер».

«Шаҳримиз рекламаларга жуда ҳам бой эмас. Лекин оқшом тушиши билан Шота Руставели кўчасидан ўтганингда беихтиёр кўзинг ранг-баранг қилиб ёзиб қўйилган «Тошкент минерал сувидан ичинг!» деган катта рекламага тушади.

Ичинг эмиш!.. Буни айтишгагина осон. Уни магазиндан топиб кўрингчи. Магазин сотувчисидан «Мана сизга минерал сув. Марҳамат қилиб олинг!» деган илиқ сўзни эшитиш учун бир неча квартал ва ҳатто бир неча кўчаларни кезиб чиқишингизга тўғри келади. Кўпгина озиқ-овқат моллари ва гастроном магазинларида Тошкент минерал суви умуман йўқ. Хўш, нима учун? Ахир Тошкент шаҳрида минерал сув тайёрланадиган махсус завод бор-ку. М. Кравченко».

(Редакцияга келган хатлардан).

Магазиндагилар: «Минерал сувимиз бор. Яна олсак уни қўядиган жойимиз йўқ» деган баҳонани рўкач қилиш билан чекланадилар.

Биз уларнинг бу баҳонасини текширмоқчи бўлиб, рейсга чиқдик. Бизга ҳамроҳ бўлиб, ТНВ-43-60 маркали машинанинг шофери М. Мирзаев ва экспедитор Л. Каспарянлар худди шу Ҳамза районига бирга боришди.

Рейд нималарни кўрсатди?

БИРИНЧИ бўлиб, 39-магазин (магазин мудири Ш. Исматиллаев) муюлишида тўхтадик. Магазинга кирдик.

— Бизга Тошкент минерал сувидан берсангиз.

— Ие, қизиқмисиз? Сув йўқ. Минерал сув олиб келишмаяпти...

* * *

Қуйида эътиборингизни диспетчер билан савдо ходими, харидор ўртасидаги суҳбатга қаратамиз.

ДИСПЕТЧЕР: Тошкент сувини қабул қилиб олинг.

СОТУВЧИ: Керак эмас, сувимиз бор.

ХАРИДОР: Менга минерал сувидан беринг!

СОТУВЧИ: Сув йўқ.

Гап шундаки, 39-магазин бирорта ҳам минерал сувли ящикни қабул қилиб олмаган.

Кейин биз 38-магазинга бордик. Бу ерда ҳам сув йўқ эди. Экспедитор яна хижолатда қолди.

Масаланинг моҳияти ечилмаяпти

АЛБАТТА ҳозирги куз фаслида минерал сувга бўлган талаб анча камайди. Лекин минерал сув ишлаб чиқаришга етарли эътибор қаратмоғи керак. Технологик процессдаги, меҳнатни уюштиришдаги барча камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш вақти етди. Энди сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш керак.

Тошкентликлар учун минерал сув йилнинг ҳамма фаслида ҳам жуда керак. У киши чанқоғини қондиради ва саломатлик учун жуда фойдалидир. Шунинг учун ҳам у хоҳлаган гастрономда, хоҳлаган озиқ-овқат магазинида, ҳар бир буткада сотилиши керак.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бошқармаси савдо ташкилотларининг хизматчиларини тартибга чақириб қўйиши керак. Тошкентда ишлаб чиқарилган минерал сув ҳамма вақт ҳам савдода бўлиши лозим.

Бизнингча, озиқ-овқат саноати ходимларининг шаҳримизда махсус минерал сув сотадиган йирик магазинлар ташкил этиш ҳақидаги таклифларини қараб чиқиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Биз харидорнинг хоҳлаган магазинга кириб: «Тошкент минерал сувидан беринг» деган саволига сотувчининг «Марҳамат» дея унга сув узатишини жуда истар эдик.

Тошкент минерал сувини стаканга қуйганингизда гази вижирлаб турсин. Истагимиз ана шу!

А. ОБИДХЎЖАЕВ,
Р. БАРИШНЕВА,
В. ЛАПИНА,
М. САВЕЛЬЕВ,
«Тошкент оқшоми» рейд бригадаси аъзолари.

Контроль бўлмагач...

КОРХОНАДА конвейер линияларига келиб тушадиган шишаларнинг қанчалик тоза эканлиги ҳақида ҳеч қандай контроллик қилинмайди.

Механизмлар автоматик тарзда минерал сувни идишларга қуяди. Кейин эса поток конвейер бўйича кетаверади. Ёритилган экран олдидаги контроль пунктида шиша идишлар кўздан кечирилади. Бироқ, бу ерда ўтирган бракчи чарчаган, у ҳам шиша идишлардаги ифлосликларни кўрмай ўтказиб юборишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, минерал сув савдо тармоқларига етиб келади. Ана шу ерда у харидорларнинг дашномига дуч келади.

Киров район санитария эпидемиология станциясига Пушкин кўчасидаги 1-гастроном директорининг ўринбосари А. Фитисова, гастроном идорасининг товаршуноси В. Боровин ва харидор, болалар поликлиникасининг врачи А. Винарский ўртоқларнинг йўллаган хати айниқса характерлидир. Хатда учта минерал сувн шишаси очилгани ва уларнинг ифлослиги ҳамда шишалардан ўсимлик мойининг қолдиқлари чиққанлиги айтилади.

Ана шу сабабли харидорларнинг магазинга минерал сувларни қайтариб олиб келганлари сингари ҳодисаларнинг кўплаб гувоҳи бўлиш мумкин.

Минерал сувларнинг баъзи қисми янги идишларга қуйилади. Бунда ҳам қоидага етарли даражада эътибор берилмайди. Утган ойда корхона Ашхобод шиша идишлар комбинатидан ўн мингта шиша олди. Уларнинг ҳаммаси қорамтир шишалар эди. Минерал сувлар учун эса маълумки, танланадиган шиша идишлар жуда тоза ва оқ шишадан тайёрланган бўлиши лозим.

Бундан 15 йил муқаддам тошкентликлар яхшигина бир хабарнинг шоҳидн бўлишди. Бу хабарда шаҳримизда даволаш хусусиятларига эга бўлган минерал сувнинг каттагина манбаи топилгани айтилган эди. Савдо шахобчаларида эса кўк этикеткали шишалар пайдо бўлиб, Тошкент минерал сувининг кимёвий хоссалари ва унинг даволашдаги аҳамияти айтилган эди. Ана ўшанда ҳамшаҳарларимиз озиқ-овқат саноати хизматчиларининг ҳимматидан жуда хурсанд бўлишган эди.

Бу ишимликка талаб тобора ошиб борди. Ана шу боисдан «Победа» боғи ёнгинасида минерал сувни қуядиган ва газлаштирадиган саноат корпуслари жиҳозланди.

3-пиво заводига қарайдиган бу филиал яхшигина технологик жиҳозлар, автоматик линиялар билан қуролланган. Бу нарса бир сутка ичида 200 минг шиша газлаштирилган минерал сувн ишлаб чиқариш имконини беради.

Хўш, бу корхона қандай ишлаяпти?

Филиалда икки цех мавжуд бўлиб, учта автоматик линия ўрнатилган. Бироқ бу ерда кўзда тутилган маҳсулотларнинг ҳатто ярми ҳам ишлаб чиқарилмайди. Дам идиш йўқ дейишади, гоҳида линиялар тузатилмай қолади. Хуллас, баҳонани истаганча топаверасиз.

Дарҳақиқат, икки оғиз шиша идишлар ҳақида гапирайлик. Заводга ҳар хил ичимликларнинг идишлари келтирилади. Бу шиша идишларнинг ифлослигига қараб бўлмайди.

Корхонада идишларни ювиш жараёни шундай ташкил қилинганки, у технология жиҳатдан шиша идишларнинг тоза бўлишини таъминламайди.

Буни цех бошлиғи А. Турсунов ҳам тан олади:

— Идишларни ювиш учун корхонамиз ҳовлисида биз жуда катта контейнерларни ўрнатганмиз. Идишлар контейнерларга тўппа-тўғри келиб тушаверади. Кейин эса уни ванналарда қўл билан ювиш керак. Сўнгра ювиш бўлимларига йўл олади.

Бироқ биргина машинанинг идишларни тозалаб ювишга кучи етмайди. Бунинг боиси шундаки, механизмларга махсус мосламалар ўрнатилмаган.

Гап фақат шунда эмас. Бу ерда шуни айтиш керакки, контейнерлар шундай тайёрланганки, улар идишларнинг технологик жиҳатдан тоза бўлишини таъминламайди. Улар дарров занглайдиган металлдан тайёрланган. Шу сабабли шиша идишлар занги чиққан сувда тураверади... У ёғини энди ўзингиз тушуниб турибсиз.

Шундай қилиб, идишларни тозалаш жараёни бошланишининг ўзи санитариянинг энг оддий қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда бошланади.

Давлат ҳисобига жарималар

КОРХОНАНИНГ барча цехларида антисанитария ҳолатининг гувоҳи бўласиз. Поллар машина мойи билан қопланган. Сувлар қуядиган линияларни эса занг қоплаган. Биз корхонанинг 1-цехида конвейердан бир шиша сувни олиб кўздан кечирдик. Шунда идишнинг жуда ифлослигига кўзимиз тушди.

Корхонада ана шунга ўхшаш антисанитария аҳволига кўпчилик кўникиб қолган. Район санитария эпидемиология станцияси томонидан тузилган кўпгина актлар ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Шундай қилиб актлар тузиларверган. Завод эса жарималарни тўлайверган. Бироқ бундан цехлардаги аҳвол мутлақо ўзгармаган.

Лаборатория эса ҳоналардаги тозалик устидан етарли контроллик қилиб бормайди. Шунингдек, у газлаштириш жараёни, маҳсулотнинг товар турларини расмийлаштириш юзасидан етарли назорат қилмайди.

Ишлаб чиқаришда нимагадир лаборатория ходимларининг фикрлари ва анализлари етарли эътиборга олинмайди. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ҳатто уларсиз ҳам ишни бемалол битиришаверади.

Газлаштириш, қуйиш корхонаси бош корхонадан анча узоқда жойлашган Шундай кунлар ҳам бўладики, 3-пиво заводидан лаборантка турли сабабларга кўра бу ерга ишга келмайди.

Хўш, маҳсус анализлар бўлмагач, ишлаб чиқарнш қандай кетаяпти?

— Қандай бўларди, бир нави-да.— дейишади цехда.— Пиво заводига қўнғироқ қилиб мутахассисларни чақирамиз...

— Лаборантлар келгунга қадар нима қиласиз?

— Ишлайверамиз. Ахир завод бекор турнши керак эмаску.

Лаборантларнинг филиалга келмаслик каби одатларини жуда кўплаб учратиш мумкин. Минерал сув тайёрлаш эса ўз холича кетаверади. Шундай бўлгандан кейин бу сувларнинг сифати ҳақида қанақа гап бўлиши мумкин ахир?

Аппаратлар бекор турибди

ФИЛИАЛДА газ қандай тақсимланаётганини кўрсатиб борадиган аппаратлар кўпинча бекор туради. Лекин бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди.

Қуюв цехининг бир ишчиси бу ҳақда гапириб шундай дейди:

— Углекислота участкасида баллонлар алмаштирилганини кўпинча биз билмай ҳам қоламиз. Лекин минерал сувни газсиз чиқараверамиз...

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, монометр газлаштириш жараёни кўнгилдагидек кетаётганини кўрсатиб турсада, лекин иш кўнгилдагидек эмаслиги кейин аён бўлиб қолади.

Бу ерда шуни айтиш керакки, ишлаб турган установканинг ўзи жуда содда. Редукторга биттагина газли балон улаб қўйилган. Хўш, нима учун ана шунга бирданига уч-тўртта баллонни бирлаштириш мумкин эмас. Бу нарса қуюв цехига газ барилаётган пайтда баллонларнинг бекор туриб қолишига барҳам берган бўлур эди.

Бундан ташқари, ёзда ҳам, қишда ҳам температура режимига етарли даражада эътибор берилмайди. Шу боисдан Тошкент минерал суви савдо тармоқларига етарли даражада газлаштирилмаган ҳолда етиб келаверади.

Сувда газнинг сақланиш кафолат муддати асосан ярим йилга мўлжаллангандир. Лекин бу ерда битта муҳим қоидага риоя қилмоқ керак — шишалар ётиқ ҳолда сақланиши лозим.

Қоидаларга риоя қилинмайди

БИРОҚ, ана шу муҳим қоидага риоя қилинмаяпти. Унга сабабчина савдо шахобчаларида эмас, балки заводнинг ўзида ҳам риоя қилинмайди. Омборлар яшикларга тўлиб кетган. Бу яшикларда маҳсулотнинг сақлаш технологиясига қарама-қарши ўлароқ бир неча ой ётади.

Ҳозирги кунда заводда бир неча юз минглаб шишалар қалашиб ётибди. Хўш, бунга сабаб нима?

— Корхонамиз гарчи тўла қувватда ишламаётган бўлсада, савдо тармоқлари минерал сувларни олиш истагини билдиришмаяпти.— дейишади заводдагилар.

Таъна жуда ўринлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулотларини элтиб берадиган 2515-автоколонна корхонага етарли миқдорда машиналар ажратмаётир. Иккинчидан эса, магазинлар ҳам Тошкент минерал сувини жон деб олишмаяпти. Бунинг сабаблари бор, албатта.

Самарасиз уринишлар

КУНЛАРНИНГ бирида шофер С. Худойберганов ўз маршрути бўйича юриб, Ҳамза райпишчеторгидаги ўнта магазинга (10, 18, 21, 30, 39 ва бошқалар) магазинларга бориб сарсону-саргардон бўлди. Бу магазинларнинг ҳеч қайсиси Тошкент минерал сувини олмади. Кўзда тутилган шартномага кўра ана шу магазинлар Тошкент сувини олиши керак эди.



ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН

Ҳурматли редакция!
Бола организмини қандай чиниқтириш ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.
Лола ИБОДОВА,
ишчи.

Одам организми 20-22 ёшгача ўсиб боради. Айниқса, бола дастлабки бир йилда тез ўсиб-улғаяди. Боланинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратиш керак.

Бола 4 ойлик бўлгандан кейин, кундузи уч марта ухлаши лозим. Болани 9-10 ойлик бўлганда кундузи икки марта, 1,5 ёшдан тоқи мактаб ёшигача бир марта, кечқурун эса соат 8.30-9 дан кечиктирмай ухлатиш керак.

Бола очиқ ҳавода бўлиши жуда ҳам аҳамиятлидир. Болаларни сайрга олиб чиққанда фаслга қараб кийинтириш, киядиган кийими уларнинг ҳаракатига ҳалал бермайдиган, иҳчам ва қулай бўлиши керак. Соф ҳаво ва офтобдан етарли фойдаланиш рахит касаллиги ва нафас органлари касаллигининг олдини олади ҳамда бола организмини чиниқтиради.

Бола 6 ойлик бўлганда ҳар куни кейин эса кун орқ чўмилтириш керак.

Организмни чиниқтириш — яъни иссиқ ва совуққа, жисмоний ҳаракатга ва шу кабиларга ўргатиш демакдир. Бунда сув, ҳаво, қуёш каби табиат факторларидан фойдаланмоқ керак. Бола тўғри парвариш қилинса, яхши чиниқиб боради.

Болани 5 ёшдан бошлаб тишини ювишга, тирноқларини тоза тутишга, овқатдан олдин ва овқатдан кейин қўлини совунлаб ювишга ўргатиш зарур.

Бола яхши ухлаши жисмоний ва руҳий ўсишда катта аҳамиятга эга. Агар бола тўйиб ухламаса, унинг асаб системаси заифлашиб, тажанглика, ўқиш, ўрганиш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади. Бола ухлашдан олдин нерв системасини қўзғатувчи шоколад, кофе, какао, аччиқ чой ичмаслиги керак. Каттароқ ёшдаги болалар эса фожиали кино ва телевизор орқали таъсирли картиналарни кўриши ярамайди.

Фарзандингиз ёшликдан чиниқиб, тўғри тарбияланса, келгусида сиҳат-саломатлиги шунча яхши бўлади.

Маҳсума ОБИДОВА,
медицина фанлари кандидати.

ДОНОЛАР САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

Умид, ният соғайиш шартларидан биридир.
Кичик СЕНЕКА.

Яхши жарроҳда бургутнинг кўзи, шернинг юраги, аёлнинг қўли бўлиши керак.
Д. РЕЙ.

Шифокорнинг очиқ чеҳраси — беморнинг соғайишидан дарак беради.
Ф. РОХАС.

Ишонч ва умидли кишининг келажаги бор.
ШЕФЕР.

Сабрли киши хоҳлаган ниятига етади.
В. ФРАНКЛИН.

Хурсандчилик — осмон, унинг тагида жаҳлдан ташқари барча нарса гуллайди.
ЖАН ПОЛЬ.

Севимли машғулот оғриқни енгади.
В. ШЕКСПИР.

Ҳаракатсиз бадан мисоли туриб қолган сувга ўхшайди, моғараллайди, бузилади, сасийди.
Н. МАКСИМОВА-АМБОДИК.

Қайси ёшда бўлманг, ёшлик ҳиссини йўқотманг.
С. Т. КОНЕНКОВ.
Тўпловчи:
З. ЭГАМБЕРДИЕВА.

КЎЛОҚ ОҚИШ КАСАЛЛИГИ

Ҳурматли редакция!
Қулоқ оқиш касаллиги нима!
Т. ХОЖИЕВА.

Болалардаги қулоқ оқиш касали эшитиш қобилиятининг бузилишига, менингит, мия ва сезиш каби оғир касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи жиддий касалликлардан саналади. Шунинг учун, айниқса, ёш болаларда тез учрайдиган бу касалликка эътиборсизлик қилиб бўлмайди.

Отит қулоқ оқиш касаллигининг пайдо бўлиши қулоқнинг ичига инфекция кириб қолишидан бошланади. Кўкракдан ажратилмаган болаларда эса қулоқ ичига кўкрак сути ёки бошқа нарсаларнинг кириб қолиб чиришидан бошланади. Баъзан шамоллаган, юқори нафас йўлларининг катори билан оғриган болаларда ҳам отит учраб туради.

Касаллик организми заиф болаларда, айниқса рахит билан оғриган ҳамда кўкрак сути билан эмизиладиган болаларда тез ривожланади.

Янги туғилган, ёш кўкракдан ажратилмаган болаларда отитни қуйидагича белгилар билан аниқланади: бола безовталанади, бошини орқага ташлаб юборади, тез-тез уйқусидан уйғониб кетиб, хархаша қилади, ҳадеганда овунмайди, бирдан тинчиб қолади. Касаллик авжига чиққач, бола оғриган қулоғи билан ёстиққа ишқаланади. Каттароқ болаларда эса қўли билан кавлаш ҳоллари учрайди. Касалликнинг бошланишида ҳарорат кўтарилади. Натижада баъзи беморларда қайт қилиш, зайфланиш, ақли пасайиши, ҳаёл суриш каби менингизм аломатлари пайдо бўлади.

Бу ҳодисалар қулоқдан йирингқ чиққач, ўзўзидан ўтиб кетади. Бемор ўзини яхши ҳис этади.

Оғир ҳолларда эса, менингизм белгилари менингит касаллигига ўтиб кетиши мумкин. Касалликнинг енгил формалари бир неча кундавом этади, оғир формалари эса 5-6 ҳафтага чўзилиб кетиши мумкин.

Касаллик охири бутунлай соғайиб кетиши ёки зўраймқ кетиш, баъзан эса хроник формага ўтиш билан тугайди.

Кўкракдан ажратилмаган, оғир формадаги отитга учраган болаларда касаллик ичак-ошқозон йўллари функцияларининг бузилиш (ич кетиш, қайт қилиш) билан бирга давом этиши мумкин. Бунда бола озиб кетади, заифланади.

Болаларнц отит касалига чалинтирмаслик учун туғилганидан бошлабоқ унинг организмини чиниқтира бориш керак. Бунинг учун болани тез-тез очиқ ҳавода олиб юриш, бола дам оладиган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Лекин боланинг шамоллашига эҳтиёт бўлиш лозим.

Отит билан оғриган болани чўмилтиришда ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чўмилаётган боланинг қулоғи ичига ёғланган пахта билан яхшилаб беркитиб қўйилса, қулоққа сув кирмайди.

Боланинг отит билан касалланганига шубҳа туғилган заҳоти дарров болани қулоқ мутахассисига кўрсатиш керак. Уй шароитида врачдан бемаслаҳат даволашнинг ёмон оқибатларга олиб келишини ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг!

Ҳозир медицинада бу касалликни даволашга ҳамма чоралар мавжуд. Фақат шуни эсдан чиқармаслик керакки, бошланган даволанишни то охиригача олиб бориш керак. «Тузалиб қолдику» қабилида иш кўрганлар хато қиладилар, чунки касаллик ниҳоясига етказилмаса, яна қайталаб бошқа формага ўтиб кетиши мумкин.

Отитга қарши курашда ҳозир препаратлардан, витаминлардан, антибиотиклардан фойдаланилади. Юқоридаги терапевтик усуллар ёрдам бермагандагина, врач хирургик йўл билан даволайди.

А. ҒАНИЕВ,
И. МАРТИНЕНКО,
медицина фанлари кандидатлари.

БОЛАНИ КЎКРАКДАН АЖРАТИШ

Ҳурматли редакция!
Ёш болаларни қачон кўкракдан ажратган маъқул.
Умида РАСУЛОВА,
хизматчи.

Соғлом ўсаётган бола бир ёшга тўлганда ёки бир ёшу икки ойлик бўлганда кўкракдан ажратилиши керак. Албатта, бунинг учун болани аста-секин ўргатиб, сўнгра кўкракдан ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Аввало болани эмизиш ўрнига у ўрганган овқат бериб борилади. Икки ҳафта ўтгандан сўнг, иккинчи эмизиш овқат билан алмаштирилади.

Шуни унутмаслик керакки, кўкракдан ажратиш боланинг салломатлиги учун заррар етказадиган бўлмасин. Шунга қараб, кўкрак сути камая боради ва она бу ҳолатни унчалик озор топмай ўтқазади.

Баъзи сабабларга биноан болани кўкракдан ажратиш муддати эртароқ рўй бериши мумкин, лекин бу тақдирда ҳам бола 9-10 ойлик бўлиши керак.

Агар бола 9 ойлик дан кичик бўлса, эмизиш билан онанинг касали болага таъсир этадиган бўлса ёки онанинг касалини оғирлаштирса, бундай пайтда врач билан маслаҳатлашиш зарур.

Агар боланинг кўкракдан ажратиш вақти йилнинг иссиқ фаслига тўғри келиб қолса, у ҳолда болани салқин тушгунча эмизиш лозим.

Бундан ташқари, бола эмланган ёки бирон касал билан оғриётган бўлса, бундай пайтда кўкракдан ажратиш мумкин эмас.

Шуни доим эсда тутиш керакки, фақат она сутигина боланинг ҳар тарафлама тўғри ўсишини таъмин этади.

У. СУЛТОНОВА,
медицина фанлари кандидати.

Тошкент Марказий универмаги коллективи Ленин юбилейи вахтасида туриб меҳнат қиляпти. Бунда 126 савдо секцияси ва бригадаси қатнашяпти. 1970 йил 7 ноябргача беш йиллик товароборот планини бажариш. 1969 йил 29 декабргача эса йиллик планни бажариш — Марказий универмаг меҳнаткашларининг асосий мажбуриятларидан биридир.

Беш йилликнинг уч йили мобайнида чакана товароборот ҳажми 43 процентга ошди, пландан ташқари сотилган товарлар эса 10 миллион сўмни ташкил қилди. 1968 йилнинг ўзида биз ўтган йилдагидан 19,9 процент кўп товар сотдик. Магазин бундай муваффақиятни биринчи бор қўлга киритди. Ҳозир статистика Марказий универмагга кирадиган ҳар икки харидордан биттаси бирон парса сотиб олаётганлигини кўрсатяпти.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммасига коллективнинг фидокорона меҳнати, савдони ташкил қилиш яхшиланганлиги, Марказий универмаг ва «Болалар дунёси» павильонларида сотилаётган товарларнинг ассортименти кенгайганлиги туфайли эришиляпти.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтганимиз туфайли 1968 йилнинг ўзида пландан ташқари 541 минг сўм фойда олдик. Маълумки, фойда молия-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Биз кундалик ишимизда такомиллаштираётган ва кенгайтираётган савдо формалари хилма-хилдир. Шу йил бу соҳада жуда кўп тадбирларни амалга оширдик. Лахтакларни сотиш, кир ювишда ишлатиладиган материалларни, нархи арзонлаштирилган товарларни реализация қилиш бўйича бригадалар ташкил қилинди. Парфюмерия ва аёллар пальтоси секциялари қайта жиҳозланди. Натижада товарларни намойиш қилиш яхшиланди, бўлимларнинг савдо майдони кенгайди.

Аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш ҳар бир савдо ходимининг бурчидир. Худди шунинг учун ҳам универмагимизда аҳоли талабларини ўрганишга катта эътибор берилади. Бунда асосий ишни савдо бўлимлари олиб боради, умумий раҳбарлик ва назорат эса талабларни ўрганиш бўлими томонидан амалга оширилади.

Таъминотчилар томонидан товарлар ўз вақтида ва бир меъёрда етказиб берилмаслиги ишимизга салбий таъсир кўрсатяпти. Биз ҳам уларга чинакам талабчан эмасмиз. Кўпинча муносабатларимиз «ёмонлашиб қолишидан» қўрқамиз. Таъминотчиларга фақат қатиқ талабчан бўлгандагина таъминотдаги камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Аҳоли талабини тўла ўрганиш — бу товар ассортименти ва сифати бўйича таъминотчи олдига ҳар хил талаблар қўйиш демакдир.

Худди шу мақсадда бу йил биз парфюмерия фабрикаси, тўқимачилик комбинати, «Юлдуз» фирмаси, 1, 2-пойафзал фабрикаларининг маҳсулотларининг кўргазма-савдоси ташкил қилдик. Бундан ташқари 24 марта харидорлар талабини ўрганиш ташкил қилинганлиги ҳам бизга жуда кўп материал берди.

Ҳозир Марказий универмагда ўқитишнинг анча такомиллашган методи — мактаб-магазин программаси бўйича ўқитиладиган индивидуал-бригада методи жорий қилинди. Савдо маҳоратн мактабимиз ҳам бор, бу савдо ходимларини тарбиялаш ва уларнинг малакасини оширишга даъват этилган.

Савдо мунтазам ҳисоб-китоб қилиб борилади. Анализ соат, кун, мавсум ва йилга қараб харидорлар оқимини ўзгариш қонуниятини ўрганишга ёрдам беради.

Коммунистик меҳнат учун кураш ҳаракатида, савдо маданиятини кўтаришда тарбиявий иш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Коллектив ўртасида ўтказилаётган суҳбатлар, сиёсий машғулотлар, деворий газета худди мана шу ишларга даъват этилган. Бундан ташқари, чакана нархларни сақлаш, совет савдоси қоидаларига, давлат ва меҳнат интизомига риоя қилиш бўйича ҳам назорат олиб борилади. Ўз касбини севган кишилар ҳақли равишда кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

К. АБАИҲОНОВ,
Марказий универмаг директори, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган савдо ходими.

Жаҳон оинаси

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ


ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Анзанг вилоятида ҳаракат қилаётган бўлинмалари 7 октябрда қўғирчоқ қўшинининг 44-батальони позицияларига тўсатдан ҳужум қилдилар ва тўп отдилар. Душман жанг майдонида 175 кишини ўлик ёки ярадор ҳолида қолдириб кетиб ВИА агентлигининг озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарида айтилишича, ватанпарварлар душманнинг мустаҳкамлаб қўйган йигирматадан кўпроқ мудофаа иншоотларини ҳам емириб ташлаганлар.

Эртаси кун халқ озодлик қуролли кучларининг ўша вилоятда ҳаракат қилаётган отрядлари яна бир жанг операцияси ўтказдилар. Қисқа вақт бўлган жанг ичида улар душманнинг 40 та солдати ва офицерини сафдан чиқардилар ва 1 вертолётини уриб туширдилар.

8 октябрда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Фюклонг вилоятида душман позициясига уч марта ҳужум қилиб, Америка — Сайгон қўшинларининг солдат ва офицерларидан юздан кўпроқ кишини сафдан чиқардилар. Шу ҳужумлар натижасида душманнинг 7 та жанговар машинаси ҳам яксон қилинди.

9 октябрда Фантхиет шаҳридан (Биньтхуан вилояти) 18 километр гарбда бўлган жангда халқ озодлик қуролли кучларининг бўлинмаси душманнинг 60 та ҳарбий хизматчисини сафдан чиқарди.

Америка —Сайгон қўшинларининг жазо отрядлари билан Анзанг вилоятида бўлган жангларда ватанпарварлар 11-12 октябрь кунлари душман солдатларн ва офицерларидан 60 кишини ўлдирнб ёки жароҳатлантириб Америка—Сайгон ҳарбийларининг жазолаш операцияларнин ўтказишларига йўл қўймадилар.



Цейлонда ГДР мутахассислари ёрдамида тўқимачилик комбинати қурилмоқда. Коломбонинг 70 километр шимолий-шарқий томонидаги Тульхурияда қад кўтарадиган бу комбинат ҳар йили 68 миллион метр газлама ишлаб чиқаради. Суратда: ўқув корпуси цехида.

В. Шкалябин фотоси. (ТАСС).

СОВЕТ ФАНИ ВА МАДАНИЯТИ ДЎСТЛАРИНИНГ ЯНГИ КЛУБИ

ПРАГА, (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитети ҳузуридаги олий партия мактабида таъсис этилган совет фани ва маданияти дўстларининг клуби В. И. Ленин асарлари тўғрисида лекциялар туркумини уюштиришга қарор берди. Чехословак ва Совет мутахассислари билан олимларининг Совет Иттифоқининг муваффақиятлари тўғрисидаги лекциялари ҳам клуб фаолияти планига киритилган.

Клуб аъзолари совет поэзияси кечасини, Чехословакия-Совет муносабатлари тўғрисидаги суҳбатларни ўтказмоқчи бўлиб турибди.

Клубининг таъсис мажлисида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, клуб аъзолари олий ўқув юртининг сиёсий ҳаётида актив қатнашишни, олий партия мактаби янги раҳбарлигининг тадбирларини қўллаб-қувватлашни, чинакам социалистик ватанпарварлик ҳамда совет халқига ва унинг Коммунистик партиясига дўстлик ҳис-туйғуларини тарбиялашни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

СССР ФОТО СУРАТЛАРДА

Ғарбий Берлиннинг энг йирик ахборот-пропаганда комплекси «Европа — марказда» очилган «Совет Иттифоқи бадиий фотографиясда» кўргазмаси зўр муваффақият билан ўтмоқда. Унинг ташаббускори Новости матбуот агентлиги. Кўргазмага 120 совет фотоусталарининг халқаро конкурсларда қатор мукофотларга сазовор бўлган 300 дан знёд асарлари намойиш қилинмоқда.

Экспозиция В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган бўлим билан очилади. Томошабинлар совет халқи ва Москванинг чет эллик меҳмонлари Маркс ва Энгельс революцион таълимотининг ғоявий давомчиси, Коммунистик партия асосчиси В. И. Ленининг хотирасини қандай эъзозлаётганликлари ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар сериясн билан қизиқиб танишмоқдалар.

Кўргазманинг бошқа бўлимлари мамлакатимиз ҳаётининг асосий босқичлари, совет халқининг тинч ижодий меҳнати ва Советлар мамлакатининг ярим асрдан знёд вақт ичида кўлга киритган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Айрим бир бўлим Совет Иттифоқининг космосни ўзлаштиришдаги муваффақиятларига бағишланган.

Совет фото кўргазмаси ноябрнинг ўрталарнгача намойиш қилинади. Маҳаллий прогрессив жамоатчилик вакилларининг фикрига кўра кўргазма Совет Иттифоқи билан, Ғарбий Берлин ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

В. АНДЬЕВ,
АПН махсус мухбири.

ИСПАНИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КУРАШИ

ПАРИЖ. Испаниядан олинаётган хабарлар мамлакатда демократик кучларга қарши жабр-зулм тўхтовсиз давом этаётганлигидан дарак беради. ЮФИ агентлигининг хабар беришича, Херон шаҳар жамоат тартибини муҳофаза қилиш трибунали Франсиско Тубауни «қўпорувчилик ҳаракатлар қилди» деб ва яширин адабиёт сақлади, деб айблаб бир йилу етти ой қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Мадриддаги жамоат тартибини муҳофаза қилиш трибунали Валенсия аҳолисидан икки кишини «таъқиқланган ташкилотга мансуб» бўлганликлари учун жазоладн. Уларнинг бири тўққиз ой ва иккинчиси бир ярим йил турма жазосига ҳукм қилинди. Шу трибуналнинг ўзи Галисия вилоятида яшовчи икки киши «ҳукуматга қарши ҳаракатларда қатнашганлиги» учун уларни етти ой қамоққа ҳукм қилди ва 10 минг песет жарима солди.

Лекин шунга қарамай Испанияда франко диктатурасига қарши ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда.

«Конструксьон ен брас» корхонасининг 300 ишчиси ўзларининг 39 ўртоғи ишдан бўшатилганлигига қарши норозилик билдириб, забастовка бошланганлигини ҳам ЮФИ агентлиги хабар қилди. Ана шу иккала корхонанинг ишчилар комиссиялари Барселонанинг ҳамма механикашларига мурожаат қилиб, иш ташлаганлар билан ўзларининг бирдам эканлигини кўрсатишга ҳамда ўз меҳнатлари шафқатсизларча эксплуатация қилинаётганлигига қарши ва механикашларнинг моддий шароити яхшиланиши учун биргалик да ҳаракат қилиш программасини қабул этишга даъват қилдилар.

ПЕНТАГОН «ТЕЖАМОҚДА»

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Ҳаддан ортиқ ҳарбий ҳаражатларга қарши норозилик овозини пасайтириш ва гўё Вашингтон раҳбарлари мамлакатнинг энг зарур социал эҳтиёжларини ҳал қилишга интилмоқдалар, деган таассуротни туғдирмоқ учун АҚШ ҳукумати зўр бериб пропаганда кампанияси бошлаб юборди.

Пентагон раҳбари М. Лэйрд шу маҳкама ҳузуридаги Америка журналистлари давраси-да гапириб, «Вьетнамдаги урушни олиб боришга сарфланаётган ҳозирги 30 млрд долларлик ҳаражатни 1970 йил июнига бориб 17 миллиард долларга келтиришни планлаштирмоқдаман», деб даъво қилди. Лекин кўпни кўрган журналистлар Пентагон раҳбарининг бу гапи ростлигига унчалик ишонмадилар.

Лэйрд гапларининг нуқул пропаганда мақсадида қилинган найранг эканлиги шу фактдан ҳам равшан кўриниб турибдики, Пентагоннинг ҳозир келгуси молия йили учун тузилаётган бюджетн ҳозирги даражада қолиш бир ёқда турсин, ҳатто 30 миллиард долларлан ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, маҳаллий кузатувчилар: Пентагоннинг уруш бюджети нега ошиб кетмоқда?— деган саволни бермоқдалар. Сенатор Проксмайрнинг айтган гапларн бу саволга жавоб бўла олади. Шу сенаторнинг гапига қараганда, Пентагон Вьетнамдаги урушга сарфланаётган маблағларнинг бир қисмини олиб, «уларни соцнал проблемаларни ҳал этишга эмас, балки тағин ҳам қимматроқ қурол-яроғлар снстемасини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишни планлаштирмоқда». Бундай «тежаш» оддий меҳнаткашлар елкасига янги оғир юк бўлиб тушади ва ҳарбий-саноат комплексига жарақ-жарақ қўшимча фойда келтиради.

Ленин юбилейига тайёргарлик

БЕРЛИН, ТАСС мухбири В. ГОРДЕЕВ хабар беради:

Эркин немис ёшлари союзининг сиёсий маориф шаҳобчасида ўқув йили бошланди. Бу ўқув йили В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик белгиси остида ўтади. Германия Демократик Республикасининг юз мингларча йигит ва қизлари В. И. Ленининг «Ёшлар союзининг вазифалари», «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми», «Давлат ва революция» ҳамда бошқа асарларини ўрганадилар. Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг материалларини, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг стратегияси билан тактикаси масалаларини ўрганишга ҳам кўп вақт ажратиладн.

Эркин немис ёшлари союзи марказий кенгашининг даъватига биноан Ленин юбилейи шарафига ёшларнинг социалистик мусобақаси бошланди. Союз аъзолари ва тельманчи пионерлар Ленин асиятларига муносиб ўқиш, ишлаш ва яшашга, ишчи-деҳқонлар республикасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ишида юксак муваффақиятларга эришишга, Совет Иттифоқи билан дўстликни мустаҳкамлашга сўз бермоқдалар.

Германия Демократик Республикасининг йигит ва қизларидан олти юз мингдан ортиқ киши Марксизм-Ленинизм назариясини ва немис ишчилар ҳаракати тарихини ўрганишдаги муваффақиятлари учун бериладиган «яхши билимлари учун» нишони билан мукофотланди.

Кейинги бир ярим йил ичида эркин немис ёшлари союзи аъзоларидан 57 мингдан ортиқ киши Германия Бирлашган социалистик партиясининг аъзолигига кандидат қилиб қабул этилишларини сўраб ариза берди.



Бу йил Германия Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалик кооперативлари далаларида янги комбайнлар пайдо бўлди. Бу машина унумли ишлаш билан бир қаторда жуда осон бошқарилади. Суратда: янги «Е-512» комбайни Карл Маркс Штадт округининг Отто Гротеволь номли қишлоқ хўжалик кооперативида галла ўрмоқда.

В. КОШЕВОЙ фотоси.

АГРЕССОРЛАР ТАЛОФОТ КЎРМОҚДА

КОҲИРА, (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлигининг вакили берган ва МЕН агентлиги тарқатган ахборотда айтилишича, Исроилнинг бир неча самолёти Суэйш каналининг шимолий қисмида Миср қўшинларининг позицияларини бомбардимон қилишга уриниб кўрган, лекин Миср қирувчи самолётлари уларни ҳайдаб юборган.

Икки ўртада бошланган ҳаво жангида Исроилнинг бир самолёти шикастланиб, каналнинг шарқий сохилига қулаб тушган. Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучларининг вакили Мисрнинг ҳамма самолётлари ўз базаларига омон-эсон қайтиб келганлигини айтди.

22 октябрдаги ҳужум натижасида, деди Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлигининг вакили, душманга шундан олдин осмондан ҳужумлардагига қараганда энг катта талофот етказилди.

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

БРАЗИЛИЯ, (ТАСС). Миллий конгрессининг депутатлар палатаси билан федерал сенат бу ерда қўшма мажлис ўтказиб, генерал Эмилио Гаррастазу Медисини Бразилиянинг янги президенти қилиб сайлади.

Денгиз флоти министри Аугусто Радемакер вице-президент қилиб сайланди.

63 ёшли генерал Гаррастазу Медиси ўз вазифасини бажаришга шу йил 30 октябрда киришади.



Фаридун Бадрий

Унега ўлди?

ҲИКОЯ

Унинг ярим юмиқ кўзлари, оғзи шу қадар чиройли, шу қадар жозибадор эдики, энди Маҳмуд сира бунақанги чиройли кўзлар ва лабларни кўролмаса керак.

У нега ўлди? Чиндан ҳам ўлдими? Ёки ўзидан кетиб қолдими? Бу саволга у жавоб беролмади... Қизнинг юраги урмаётганини, у нафас олмаётганини кўриб ишонч ҳосил қилган бўлсада, барибир Маҳмудни шубҳа қийнай бошлади... Қизнинг ўлганига у сира кўникмаётган эди...

* * *

Маҳмуд бир зум ҳам кўзини юмолмади. Тонг яқин. Бирдан ҳаёлига шундай фикр келди: «У ўлмаган бўлса-чи? Хушидан кетиб, ҳозир ўзига келган бўлсачи? Ашейхнинг кўкариб ётган муздай жасади, қонга бўялган юзини кўрганда, унинг ҳоли нима кечади? Эси чиқиб кетади. Қўрқувдан ўзидан кетиб, ўлиб қолса-я?!»

Маҳмуднинг юраги чиқиб кетди. Рена ўзига келиб, Ашейхнинг дахшатли қиёфасини кўриб қўрққанидан қичқириб юборади, деган фикр миясидан ўтиб, сесканиб кетди. Дарҳол унинг олдига бориш керак. У ҳозир бориб айтади: «Рена, қўрқма, уни мен ўлдирдим. У хиёнатчи, сени шарманда қилди, мен унинг қони билан сенинг номусингга теккан доғни ювдим. Қўрқма. Мен сени илгаригидай севаман...»

У ўрнидан туриб кийинди. Ҳар эҳтимолга қарши токчадан катта пичоқни олиб чўнтагига солди. Ҳеч кимга индамай оёқ учида уйдан чиқиб кетди. Ҳали кун оқармаган. Кўча қоронғу, ҳеч ким кўринмайди. Одатдан ташқари жимлик. Дарвозаларнинг тагида мудраб ётган итлар Маҳмуднинг оёқ товушини эшитиб, вовуллай бошлашди. Буларга сира эътибор бермай Маҳмуд тор кўчани кесиб, катта кўчага ўтди. Сўнгра чапга бурилди, пастга қараб бироз юриб, тўхтади. Атрофга қараб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Ашейхнинг ҳовлисига кириб кетди.

Оёқ учида юриб бориб, уйга кирди. Куи ёриша бошлаган, деразадан хира ёғду тушиб турар эди. Ҳамма нарса илгаригидай ўз ўрнида. Ашейхнинг қўрқинчли юзи қонга беланган, бўйнининг атрофи кўм-кўк, палос устида чалқанча ётарди.

Енгил шабада Ренанинг жасади устига ёпилган чодрани секин тебратиб қўйди. Рена ҳақида ўйлаётган Маҳмуд чодранинг қимирлаганини кўриб, турган ерида қотиб қолди. Чодра остида унинг севимлиси қимирлаётганмикин? У Ренанинг ёнига ўтирди. Чодра Ренанинг бутун гавдасини ёпиб турибди. Маҳмуд унинг отини айтиб, бир неча бор чақирди:

— Рена! Ренажон!

Қиз қимир этмай ётарди. Маҳмуд унинг юзидан чодрани очиб ташлади. Қўрқканидан доғ қотди. Кеча Ренанинг юзи нафис ва оқарган. Ҳатто ноз билан боқиб тургандай эди. Бугун эса қорамтир кўк. Кўз атрофлари кўкарган, лабининг бурчакларида қон қотиб қолипти. Маҳмуд тезгина чодрани ёпди. Ғазабдан унинг нафаси бўғилди.

Маҳмуд бошини бурган эди унинг кўзлари Ашейхнинг кўзларига дуч келди. Мурда унга аччиқ истеҳзо билан тикилиб тургандай бўлди. Бу жирканч қараш Маҳмуднинг қалбида лаънат, нафрат туйғусини алангалатди. У бор кучи билан Ашейхнинг юзига тепди, шундан сўнг пичоқни олиб, кўзини ўйиб ташлади. Ғазабдан тўлганиб юзи, қорни ва кўкрагига пичоқ тортди.

—Итдан тарқаган, гўрингда тўнғиз қопсин... Қизни нима қилиб қўйдинг... нафаси бўғилиб шивирлади Маҳмуд.

* * *

Тонг отди. Қоронғулик ёруғлик етиб боролмайдиган гор ва кавакларга чекинди. Маҳмуд Ашейхнинг ҳовлисидан секин чиқиб, уйига бормай, тўғри чўл томон йўл олди. У нўхот ва турк ловияси ўсиб ётган боғчадан, тепаликлар, европаликлар қабристонидан ўтиб, катта йўлга чиқди.

Бир неча қадам юргач, тепаликка куч билан ғовиллаб чиқаётган автомашина овозини эшитиб қолди. Машина яқинлашгач, Маҳмуд қўлини кўтарди. Юк машинаси тўхтади.

—Қаёққа. — сўради Маҳмуд.

—Қасри Ширинга, —деб жавоб берди шофер йўғон гавдасига сира монанд келмайдиган ингичка овозда. —Борасанми? Вақтни ўтирламай ўтир. Икки туман тўлайсан...

Маҳмуд кабина эшигини очиб, шофернинг ёнига ўтирди. Юк машинаси ерда қора тутун қолдириб жилди. Машина бир пасда тепаликлар ортида ғойиб бўлиб кетди.

Саъдулла КАРОМАТОВ таржимаси.

КУРАШ БЎЙИЧА СССР БИРИНЧИЛИГИ

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкентлик спорт мухлисларининг омади келди. Мамлакатга донг таратган теннис «юлдузлари» ўйинлари туғамасданоқ, пойтахтимизга Совет Иттифоқининг энг зўр полвонлари ташриф буюришди. Улар орасида Европа, жаҳон ва олимпиада чемпионларини кўриш мумкин.

СССР команда биринчилигини ўтказиш учун Тошкент шаҳри танланганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон пойтахти сўнгги йилларда талантли полвонларни етказиб берди. Бу ерда 1969 йилги жаҳон чемпиони Рустам Казаков, мамлакат биринчилигининг голиблари яшайди.

Томошабинлар мусобақалар давомида хизмат кўрсатган спорт мастерлари, жаҳон ва олимпиада ўйинларининг бир неча марта чемпионлари москвалик Г. Сапунов, В. Олейник, тбилисилик Р. Рууа, ленинградлик А. Рошчин, омсклик В. Игуменов, олмаоталик В. Бакулинларнинг маҳоратини завқ билан кузатишди.

Ҳамшаҳримиз Рустам Казаков шинавандаларимиз юзини ерга қаратмади. У барча учрашувларни зўр кўтаринкилик билан ўтказди. Мисол учун унинг Сергей Сушков билан олишувини олайлик. Қирғизистонлик курашчи ўзбек полвонларининг юксак техникаси, абжирлигини билади. Шунинг учун ҳам асосан ҳимоя билан қурашаверди. Пассив ҳаракат қилгани учун судьялар томонидан икки марта огоҳлантирилди. Қирғизистон вакили чап беришга ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Рустам рақибини ғиламга отди. Полвонни ғалаба билан биринчи бўлиб устози Р. Аблаев табриклади. Бу ютуқ командамизга жуда зарур эди. Ўзбекистонликлар 5:6 ҳисобида ютқазиб турган эдилар. Казаков ҳисобни 8:6 қилиб, командамизни олдинга олиб чиқди.

Бутуниттифоқ касаба союзларининг иккинчи совриндори Аббос Шодиев ҳам ёш бўлишига қарамай чиройли кураш кўрсатди. У Қирғизистон чемпиони Қодирматовга қарши курашнинг 1-босқичидан чиройли усул ишлатди.

74 килограммликлар орасида спорт мастери Эргаш Юсупов рақибини балл бўйича енгиб командамизга 3 очко келтирди. Аммо тажрибали В. Егоров учрашувни бой бериб қўйгач, Ўзбекистон полвонлари ҳисобни тенглаштира олмадилар. Умумий ҳисоб меҳмонлар фойдасига 18:17 бўлди.

«Ёшлик» спорт манежида бўлган курашларнинг ҳаммаси ҳақида тўхталишнинг иложи йўқ. Негаки 10 та команданинг ҳар бири да ўнтадан полвон беллашди. Биринчилик мусобақаларида қатнашган натижалар юз бермади. РСФСР командаси юксак маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

26 октябрь куни спорт манежида мамлакат чемпионини аниқлаб берган охирги олишувлар бўлди. Мусобақада охирги икки ўринни олган Латвия ва Белоруссия командалари кучлилар группасидан чиқиб кетди.

Бўлиб ўтган чемпионат Европа ва жаҳон биринчилиги олдидан совет полвонларининг жиддий тайёргарлик кўришига, шаҳримизда эса спортнинг бу турини кенг қулоч ёйишига имкон беради.

С. МУСАЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Диссертация ёқлайдилар:

1969 йил 11 ноябрь кундуз соат 1 да. Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг илмий совети мажлисида (60-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. А. Сикорский: «Экиш олдидан чигитни гамма-кобальт-60 билан нурлантирилганда ғўзанинг ривожланишига, пахта ҳосилининг ортишига ва сифатининг яхшиланишига таъсири» деган темада

А. А. Хўжахонов: «Азот ўғитлари бериш муддатининг ғўза ўсишига, ривожланишига ва ҳосилига таъсири» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент область, Оржоникидзе, 4).



Радио

29 октябрь

ЧОРШАНБА

КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистлар мусобақа илғорлари» деган эшиттириш (русча). **18.10** А. Мачаварианн. «Отелло» сюитасидан парчалар. **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда эшиттириш (Ўзбекча). **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** «Шаҳарликлар — пахта теримида» (русча). **22.40** Поэзия кечаси. **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Зайнаб ва Омон» операсидан парчалар. **19.30** В. И. Ленин ҳақидаги хотиралардан. Бир ҳужжатни топилма ҳақида (русча). **20.00** Дала меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Корейс куйларидан концерт. **21.00** Қардош республикалар адабиёти. Белоруссия ёзувчиларининг ҳикоялари (Ўзбекча). **21.40** МОСКВА.

30 октябрь

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Халқ қўшиқлари. **9.30** С. Варелас. Симфоник поэма». **10.10** Совет композиторларининг қўшиқлари. **10.30** Халқ талантлари ижросида концерт. **11.15** «Ленин партиясининг жангчилари» деган эшиттириш (Ўзбекча). **11.30** Енгил куйлар. **13.30** Қирғиз опера ва балет театри ёш артистлари ижросида концерт. **15.15** «Саломатлик — туман бойлик» (Ўзбекча). **16.10** М. Каллас, Р. Тебальди, М. Ланца, Марио дель Монако ижросида қўшиқлар. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** Музика маданияти университети (Ўзбекча).

18.00 «Ленинча меҳнат вахтасида» деган репортаж (Ўзбекча). **18.10** Чолғу куйлари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали (Ўзбекча). **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Тарих фанлари кандидати Р. Норжигитовнинг «Муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат» деган суҳбати (Ўзбекча). **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** Дала меҳнаткашлари учун эшиттириш ва концерт (русча). **22.40** Ленин ҳақида ҳикоялар (Ўзбекча). **23.15** Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан-куйларга. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Қурашаётган Вьетнам адабиёти (Ўзбекча). **19.30** Керубини «Реквиемнинг» тинглаб. **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Композитор Ҳ. Раҳимов асарлари. **21.00** Ашлар ижоди (Ўзбекча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 О. Туманян. «Ануш» радиоинсценировкаси (Ўзбекча). **15.30** «Устоз созандалар». Дирижер Н. С. Голованов. **17.00** «Композитор А. К. Глазунов» деган концерт-очерк.

Телевизор

29 октябрь

ЧОРШАНБА

БУГУН — ЛЕНИН КОМСОМОЛИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 Ленинча меҳнат вахтасида. **19.00** «ГУЛДАСТА». Концерт. **19.40** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Ўқувчилар учун кўрсатув. **20.45** Комсомол ташкил топган кун муносабати билан. «БИЗ — ЕШ ГВАРДИЯ». Кўп серияли телевизион фильмнинг 3 ва 4-серияларн премьераси. **22.30** Рангли телевидение программаси. Хоккей бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Москва) — ЦСКА. Танаффус вақтларида ва охирида «Вақт» информацион программаси. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Ленин комсомоли ташкил топган кун муносабати билан. «КАТТА АКАМИЗ» (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.00 Болалар учун кинофильм. **19.10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомоли». Ленин комсомоли ташкил топган кунга бағишланган кўрсатув. **20.00** Театр янгиликлари. М. Горький номидаги рус Академик драма театридан олиб кўрсатилади.

Ўзбек тилида: 21.30 «Иккинчи истеъдод». Концерт. **22.10** «Қотган чақмоқлар». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Тинч Дон». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси. **21.50** «Таллин-67», «Рози Армен куйлайди». Фильм-концертлар. **22.25** «Халқ ёзувчиси Виллис Лацис». Телефильм.

30 октябрь

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.50 «Пропагандист» тележурнали. **19.15** «Ялла ва рақслар». **20.05** Киноленинном, «Советлар раҳбарлигида». **20.45** Пахта терими кундалиги. **20.55** «Ёркин ҳаёт» программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Киев) — «СПАРТАК» (Москва). Киев шаҳридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида Аҳолига — граждан мудофаси ҳақида». **23.45** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 Кўрсатувлар программаси. **13.00** Янгиликлар. **13.15** Ўқувчилар учун. «В. И. Ленин сафдошлари» Ф. Э. Дзержинский. **13.45** СССР — Япония командалари ўртасида спорт гимнастикаси бўйича халқаро ўртоқлик учрашувлари. **15.50** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДЎСТЛИК ЭКРАНИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.00** Телевизион янгиликлар. **18.15** Пахта йиғим-терим палласи. **18.30** Ленинча меҳнат вахтасида. «Ташткстильмаш» заводидан репортаж. **18.45** «Ленинни шарафлаймиз». Ўзбекистон ва Тожикистон композиторларининг учрашуви.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Кўрсатувлар программаси. **19.50** Янгиликлар. **20.00** «Тисса узра кўприк». СССР ва Венгрия телевизион перекличкаси. **21.00** Комсомол ташкил топган кун муносабати билан. «БИЗ — ЕШ ГВАРДИЯ». Кўп серияли телевизион фильм «Бешинчи серияснинг премьераси. **21.30** Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Беш йиллик фондига.

Рус тилида: 20.20 Телефильм. **21.00** «Тинч Дон». Бадиий фильмнинг учинчи серияси.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29, 30, 31 октябрда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР ҳалқ артисти Қундуз Мирқаримова; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Дилором ШЕРОВА;** Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Дилбар ФАЗЕОВА;** солистлар: **Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Манзура МЎМИНОВА, Тўхтахон НАЗАРОВА, Карима УЗОҚОВА** ва бошқалар қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати **Зайтуна ТОЖИБОЕВА** ва **Назрулла ЕҚУБОВ** олиб борадилар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 30/X да **Мирзо Улуғбек,** 31/X да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/X да **Тошболта ошиқ,** 31/X да **Ажаб савдолар.**

Кино

29 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кеч 6 ва 9 да).

Угрюм-река (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун), «ВОСТОК» (кеч соат 7 ва 9-45 минутда, кичик залда).

Тундаги портлаш — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кечқурун).

Комедиантлар (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (кеч соат 7 ва 9-45 минутда).

30 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2-15, 5-30 ва кеч 8-45 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз 3, кеч 6 ва 9 да).

Угрюм-река (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). «ВОСТОК» (кундуз соат 1, 4, кеч 7 ва 9-45 минутда, кичик залда). «ЧАЙКА» (кундуз 12 да).

Тундаги портлаш — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 4 да). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 12-45 минутда).

Комедиантлар (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 4, кеч 7 ва 9-45 минутда).

Зося — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 да).

Сангам (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-20 минутда).

АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Сизларнинг кўпларингизга самимий дўст, яхшигина маслаҳатчи ва кўмакдош бўлиб қолган «Саодат» журналига

1970 йил учун

ОБУНА БОШЛАНДИ ҚАДРЛИ ДУГОНАЛАР

Уз журналингиз бўлган

«САОДАТ»ГА

1970 йил учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида қабул қилинади.

Обуна баҳоси:

12 ойга 2 сўм 40 тийин,
6 ойга 1 сўм 20 тийин.
Бир сони 20 тийин.

СРЕДАЗТРАНССТРОЙ ТРЕСТИНИНГ АВТОТРАНСПОРТ БАЗАСИГА

1, 2, 3 класс шоферлар

КЕРАК

Камида 11 ой ишлаган шоферларга темир йўлларда юриш учун бепул билет, ёқилғи олиш учун дафтарча берилади.

Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 2-уйга мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси

ТАЖРИБА-ТЕХНИКА БАЗАСИГА

бош бухгалтер ўринбосари, юқори бўлим натта бухгалтери, янги мебеллар лойиҳаси бўйича **инженер конструкторлар** ва конструкторлик бўлимига **инженер-технологлар,** ускуналар ремонти, асбоблар, сантехника бўйича слесарлар (4, 5, 6 разрядли), **темирчилар,** 5, 6 разрядли **газэлектр пайвандчилар,** 3, 4, 5 разрядли дурадгорлар

КЕРАК

Асбобсоз слесарларга оширилган тариф бўйича маош тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Цеткин кўчаси, 31-уй (1, 5-трамвайлар, 1, 5, 9-троллейбуслар, 3, 25, 58-автобусларнинг «Жуковский кўчаси» бекати). Телефон 33-15-31.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

яримўтказгичлар физикаси, кристаллофизика (2), гелиофизика бўлимларининг катта илмий ходимлари

вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Обсерватория кўчаси, 85-уй.

ТОШКЕНТ ГАЗ АППАРАТУРАЛАРИ ЗАВОДИГА

план-иқтисод бўлими бошлиғи, иқтисодчи, штамповкачи, токарлар, совуқ ҳолда ишлаш бўйича **технологлар, конструкторлар, техника хавфсизлиги** бўйича **инженерлар, штампа ремонти** бўйича ва **асбобсоз слесарлар, омборчилар, товаршуносларфрезерчилар, шоферлар, ёрдамчи ишчилар, шогирдлар, автокранчилар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 83-уй (3, 8, 10, 16, 21, 48-автобуслар, 4, 13, 14-трамвайларнинг «ТошМИ» бекати).

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

кенг форматли янги бадиий фильм

«ҲАЛОКАТ»

НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

«Мосфильм» киностудияси маҳсулоти.

Сеансларн кундуз соат 3, кеч 6 ва 9 да бошланади.

Коллектив бўлиб кўришга заявкалар қабул қилинади.

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ПАВИЛЬОНЛАРИДА

(К. Маркс, Ленин, Киров, Навоий кўчалари).

мактаб, мактабгача ва ясли ёшидаги ўғил ва қиз болаларнинг пальто ва плашчлари, ўғил болалар шимлари ва кўйлаклари, жун ва вельвет газламадан тикилган кўйлаклар, бош кийимлар, турли-туман трикотаж буюмлари, устки ва ички кийимлар, ип-газлама ва эластик пайпоқлар, турли ўйинчоқлар, спорт товарлари, ёш техниклар учун кўпгина нарсалар билан

САВДО ҚИЛИНМОҚДА

Байрам олди савдоси учун совғалар ва ёдгорликлар тўпламн, парфюмериялар мавжуд.

«Болалар дунёси» павильонларига марҳамат.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

араб, форс, ҳинд ва урду тиллари кечки пуллик курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 йил.

Тошкент шаҳрида ишлаб турган олий маълумотли кишилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 36-уй, 2-қават, 25-хона. Телефон 44-24-52.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси Н. Саъдуллаевга онаси

Тўғон

ШОИСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ва эълонлар

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 29 ОКТЯБРЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар кўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт — санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-65-57, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64579
НАШР 2889
Р — 03492.